*Дахлдор шахс мулоҳазаси*

# ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚНИ ЎРГАНАМИЗМИ?

Яқинда Республикамиз Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги олий юридик таълим тизими бўйича ўқув-методик ҳужжатлари комплексини, жумладан, намунавий ўқув режасини тасдиқлади. Бу жуда яхши албатта. Чунки шу кунларгача, айниқса, университетлар тизимида юридик таълимнинг ягона ўқув режасига зарурат мавжуд эди. Аммо ушбу фан янги ўқув режасида бошқа фанлардан ажратилиб, аудитория соатлари қисқартирилган маълум бир қисми талабаларнинг мустақил тайёрланишига топширилган. Яъни илгариги 132 соат ўрнига 54 соатгача туширилган. Хўш, бу фан ва ўқув курси юридик таълим тизимида қандай ўрин тутади? Бизнингча, бўлғуси мутахассис давлат ва ҳуқуқ, ҳуқуқий институт, атамаларнинг вужудга келиши ва ривожланиши ҳақида умумий билим ва ҳуқуқий маданиятни айнан шу фандан олади. Жаҳоннинг етакчи мамлакатлари ҳуқуқ тизимлари асосий манбаларининг ўзига хос томонлари билан танишади. Махсус курсларни ўзлаштиришга ўқувчини тайёрлайди, ҳуқуқий онг ва маданият шаклланишига ёрдам беради. Жаҳон юридик таълими тизимида баъзи юридик курслар, хусусан, солиқ, банк, маъмурий ҳуқуқлар яқинда шаклланган бўлса, ушбу фан деярли икки юз йиллардан бери ўқитилиб келинади. Ҳатто Ғарбий Европанинг баъзи давлатларида ҳуқуқнинг тарихий мактаблари ташкил топган. Шунинг учун ҳам ушбу фанни ўқитиш эҳтиёжлари ва принципларига кенг маънода қараш лозим.

Бизда бу фан 1949 йилгача «Давлат ва ҳуқуқнинг умумий тарихи», 1963 йилгача «Давлат ва ҳуқуқ тарихи» сўнгра «Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи» деб ўқитила бошланган. Ҳ.Муҳамедов томонидан ёзилган, тўрт қисмли бўлиши мўлжалланган дарсликнинг биринчи қисми эса «Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи» деб аталган.

1960 йилларда чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи 3 қисмли дарслик асосида бир йил мобайнида ўқитиларди. Курсни ўзлаштириш қийин эди, чунки ўзбек тилида бирор дарслик яратилмаган, ҳажми жуда кенг, ҳуқуқий атамалар ўнлаб чет тилларида ифодаланган эди. Аввало ушбу фан ва ўқув курсининг номи тўғрисида ўзбек тилида чиройли ва айнан мазмунини билдирадиган «чет эл» ёки «чет мамлакатлар» сўзлари билан аташ, барча ўқув методик ҳужжатларда, яъни ўқув режаси, курс, программаларида ҳам дарсликнинг номи шундай аталиши маъқул бўларди, деб ҳисоблаймиз. Хўш, бу фан, ўқув курси ҳуқуқшунос-бакалавр ва ҳуқуқшунос-магистр даражаларига қандай ҳажмда ўқитилиши керак? Ўқув режаларида жуда кўп майда курслар тавсия этилаётган пайтда ушбу курсни қисқартира бориш мақсадга мувофиқми? Унинг программаси қандай бўлиши лозим? Унга МДҲ давлатлари ва ҳуқуқи тарихи киритиладими, йўқми? Афсуски, бу саволларга бугунгача бирор раҳбарий ечим ёки тавсия йўқ. Агар жаҳон мамлакатлари давлати ва ҳуқуқини 36 соат маъруза ҳажмда ўтиш лозим бўлса, унда бу мураккаб курсни талабаларга қай даражада, қайси услубда етказиш мақсадга мувофиқ? Чет эллардаги баъзи олий юридик ўқув юртларида ҳуқуқ тарихигина ўрганилади, улар ҳам ҳуқуқий институтлар йўналишида ўрганилади. Масалан, Италияда «Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи» махсус ўқув курси сифатида ўқитилмайди. Аммо ўзига хос тарзда «Жаҳон мамлакатларининг ҳуқуқ системалари панорамаси», «Жаҳон мамлакатларида шартнома институти», «Мажбурият институти», «Жиноят ва жазо институти» тарзида ўрганилади. Балки бизда ҳам шунга ўхшаш усулларни танлаш лозимдир? Агарда сўз ўқув режасини ихчамлаштириш (рационаллаштириш) йўналишида бораётган бўлса, унга режадаги баъзи такрорланишлар ортиқчадир. Эътибор беринг, режада «Маъмурий ҳуқуқ» ўқув курси бор. Унинг таркибий мавзуга «Маъмурий жавобгарлик» масаласи алоҳида мажбурий 40 соатлик курс сифатида киритилган. Агар шу қоида асос қилиб олинадиган бўлса, демак, фуқаролик ҳуқуқи фанидан «Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик», жиноят ҳуқуқидан «Жиноят ҳуқуқий жавобгарлик» ажратилиб мажбурий курс сифатида киритилиши лозим эди. Яна бир мулоҳаза: режада «Мусулмон ҳуқуқи» ўқитилиши кўрсатилган, аммо у қай тарзда, қайси услубда ва мавзуларда ўтилиши ҳақида раҳбарий кўрсатма йўқ. Хўш, бу курсни тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан ўқитилиш лозимми ёки шу кунлардаги ислом давлатларидаги замонавий мусулмон ҳуқуқини ўқитиш керакми? Бизнингча, бу каби саволларга ойдинлик керак. Ушбу ўқув курси бўйича адабиётлар масаласига келсак, улар ҳали яратилмаган. Чет элларнинг давлати ва ҳуқуқига оид бирорта ҳуқуқий тўпламлар ўзбек ўқувчиси учун (хрестоматиялар) яратилмаган. Мазкур фан бўйича илмий тадқиқотларни талаб даражасида деб бўлмайди. Тўғри, яқинда профессор У.Тожихонов, ва А.Саидовлар ташаббуси билан жаҳон мамлакатларининг конституциялари нашр этила бошланди. Афсуски, улар ҳам рус тилида, гарчанд бу тилда адабиётлар етарлича бўлса-да. Хўш, агар янги тасдиқланган режада ушбу курс бўйича фақат 36 соат ўқитиш белгиланган бўлса, унда курснинг ўзбек тилидаги дарслиги қандай бўлиши, неча қисмдан иборат бўлиши лозим? У қайси услубда, мамлакатлар ва улар ҳуқуқлари алоҳидами ёки қиёсий ҳуқуқшунослик асосидами ёки энг муҳим ҳуқуқий ёдгорликларни шарҳлаш асосида бўлиши керакми? Фикримизча, энг аввало республикамизда ушбу фан муаммолари бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқотларни кенгайтириб, бундай меҳнат рағбатлантирилсагина келгусида мукаммал дарсликлар ёзишга имкон ҳам яратилади.

**Зиёдулла МУҚИМОВ,**
**юридик фанлари доктори, профессор**



*Истиқлол неъматлари*

# ЧОРИ АКАНИ ҚУВОНТИРГАН КУН

Одатда бободеҳқон тўрт фаслда чеккан заҳматлари самараси - чўнг хирмонни эрта кузда кўриб, дили равшан бўлади. Дейлик, метиндек қаттиқ ерни кавлаб, ариқ қазиб, сув келтирган ва қўриқни ўзлаштириб, янги ҳосил олган одам муродига етгач, ўтган кунларига, қилган хайрли ишларига шукрона келтиради. Чори Жумаев ҳам шундай, меҳнатлар, тотли заҳматларнинг хайрли якунидан таскин олиб яшаяпти. У раҳбарлик қилаётган Термиз кооператив коллежида юрт истиқлолининг шонли саккиз йиллиги нишонланган 1-2 сентябр кунлари қўшалоқ байрам бўлди.

- 1977 йилда ташкил этилган техникум шу пайтгача оддий ўқув маскани эди, - дейди Чори ака. - Атиги икки-уч ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрлайдиган техникумимиз бугун кўп тармоқли хизмат кўрсатиш коллежига айлантирилди. Қувонарлиси шуки, билим масканимиз қисқа вақт ичида тубдан қайта қурилди. Коллежимизда янги ўқув йилидан бошлаб ҳуқуқшунослик, солиқ ва солиққа тортиш, умумий овқатланиш тармоқларининг кичик технологлари, ошпазлар, қандолатчилар, новвойлар, радиотелеускуналар ва совутгичларни таъмирловчи усталар сингари халқимиз учун зарур касб-ҳунар эгалари ҳамда маркетинг, тижорат соҳаси мутахассислари тайёрланадиган бўлди. Атиги ярим йил ичида янги қўшимча бинолар учун 163 миллион сўмлик қурилиш-пайвандлаш ишлари бажарилди...

Чори Жумаевни гоҳ қурувчилар орасида, гоҳ вилоят ҳокимлиги биносида тез-тез учратиш мумкин эди.

- Биласизми, «Ҳали вақт борку, бир гап бўлар, улгурармиз-да» деган сусткашлик бор. Мен ана шу лоқайдлик билан сираям келиша олмайман, - дейди Чори ака. - Бундан уч-тўрт ой илгари «бошқа зарур объектларга ишчи кучи керак» деган важ билан қурувчиларимизнинг бир қисмини ҳали у ерга, ҳали бу ерга олиб кета бошладилар. Мен қарши чиқдим. Вилоят раҳбарларига ёрдам сўраб бордим. Мана улар кўмагида қурилиш-таъмир ишлари ўз вақтида якунланди.

Инсоннинг қўли, ақлзаковати нималарга қодир эмас, дейсиз. Мана, кўнгилни яшнатадиган жаннатмакон билим маскани бунёд этилди. Айниқса, коллежда ўрта махсус маълумотли ҳуқуқшунослар тайёрлайдиган бўлим очилганлиги, ҳуқуқий демократик давлат қуриш сари курашаётган халқимизнинг кўнглидаги гап бўлди. Ахир, ўз ҳақҳуқуқларини яхши билган ёшлардангина келажакда хайрли оқибатлар кутиш мумкин-да...

Чори аканинг ҳорғинлик сезилиб турган нигоҳларидан эртанги ёруғ кунларга бўлган юксак ишончни уқиб олиш мумкин. «Сурхонстрой» тресли қурувчилари туну кун тинимсиз меҳнат қилишди. Коллеж директори ҳам уларнинг ёнидан кетмай; бунёдкорлик ишларининг сифати билан қизиқди. Орзиқиб кутилган байрам - Ватан озодлигининг саккиз йиллиги - 1 сентябр куни билим маскани ҳовлиси ташриф буюрувчилар билан лиммо-лим бўлди. Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси янграган лаҳзаларда Чори Жумаевга разм солсангиз унинг севинчдан ва ҳатто бахтиёрликдан кўзларига ёш қалқиганини кўришингиз мумкин эди.

Талабаликка қабул қилинган йигит-қизлар, уларнинг ота-оналари бирбиридан кўркам ва шинам фан кабинетлари, компьютер хоналари, биллур қандиллар ва чўғдек гиламлар билан зийнатланган кенг заллару ҳар бирида ойнаи жаҳон, мебеллар дид билан жойлаштирилган ётоқхоналарни кўриб, юрт мустақиллигига, Президентимизга чексиз ташаккурлар айтишди.

Юртбошимизнинг ўша куни асосий ўқув биноси пештоқига ёзилган «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли ва албатта, бахтли бўлишлари шарт» деган умидбахш сўзлари кўнгилларга янада чуқурроқ ўрнашгани шубҳасиз...

**О. БАХТИЁРОВ**







**Суратда: Термиз хизмат кўрсатиш коллежи жойлашган бино кўринишлари**

Шартнома - ҳуқуқий муносабатларни амалиётга йўналтирувчи ишончли ва қудратли восита. Шундай экан, уни тараққиёт гарови деб билмаганлар, унга юзаки муносабатда бўлганлар ўзларига жабр қилишади. Шунинг учун шартномавий ҳужжатлар, унинг талаб ва шартларига бекаму кўст риоя қилмоқ зарур. Даставвал, шартноманинг ўзи пишиқ-пухта битилмоғи, аҳдлашилаётган масаланинг барча ҳуқуқий жиҳатлари қамраб олинмоғи лозим.

Адолат ва одиллик - шартномавий муносабатларда ҳам бош мезон. Ана шу талабнинг шартномавий ҳужжатларида аксини топмоғи кўп жиҳатдан жойлардаги адлия ходимлари саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Тизим мутахассислари вилоятдаги 236 та хўжалик субъектига мунтазам ҳуқуқий ёрдам уюштиришмоқда. Бундан ташқари йилнинг ўтган даври мобайнида 220 га яқин жамоаларда шартномавий муносабатларнинг аҳволи ўрганиб чиқилди. Расмийлаштирилган салкам 10 миллиард сўмлик 5154 та шартномага ҳуқуқий жиҳатдан баҳо берилди. Айни пайтда қиймати 3,5 миллиард сўмликдан зиёд 3295 та шартнома бевосита адлия ходимлари маслаҳати ва йўлйўриқлари асосида тузилди. Уларнинг аксариятини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари юзасидан контрактация шартномалари ташкил этади. Хуллас, қишлоқ хўжалик корхоналарига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш фаолиятимизда асосий ўринни эгаллайди. Зеро, қишин-ёзин тинмай меҳнат қилаётган деҳқон заҳматига яраша манфаат кўрмоғи даркор. Деҳқоннинг бойигани - бутун юртнинг бойигани. Масаланинг бу жиҳати оддий пудратчи ёки ижарачи билан хўжалик (корхона) раҳбари ўртасидаги шартномавий ҳужжатларни тенг ҳуқуқлилик тамойилларига пухта риоя қилган ҳолда расмийлаштиришни талаб этади. Ваҳоланки, ҳаётда оддий деҳқон нуқул зиён, унинг маҳсулотини харид қилувчилар ёки буюртмачилар нуқул фойда орттираётган ҳоллар оз эмас. Маълумотларга қараганда, 1999 йилнинг биринчи ярмида вилоят бўйича жами 31 минг 453 та (қиймати 1,2 миллиард сўм) ички, шу жумладан, 28 минг 100 та пудрат, 3 минг 381 та ижара шартномалари тузилган. Бошқармамиз ходимлари ана шу шартномаларнинг 8,5 мингтасини тузишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатишди. Расмийлаштирилган шартномаларнинг ҳуқуқий савияси ўрганилди. Жами 6,1 миллион сўмлик 290 та шартномада қонун ва ҳуқуқ бузилиши ҳоллари аниқланди ва барчаси қайтадан тузилди. Сирасини айтганда, ҳуқуқий меъёрлар қўпол равишда бузилган ҳолда тузилган шартномалар кўп учрайди. Ҳатто томонлардан фақат бирининг мажбуриятлари қайд этилган шартномалар ҳам бор. Иккинчи томон зиммасига бирон-бир мажбурият ёки вазифа олмаган. Бундай «ғаройиб» шартномалардан бирига ходимларимиз вилоят «Сувоқава» ишлаб чиқариш бирлашмасида дуч келишди. «Шартнома» деб аталмиш мазкур «ҳужжатда», ҳатто «сув тармоқларини қишки мавсумга тайёрлаш», «сув қувурлари ва уларга маҳкамланган арматураларнинг ишга яроқли ҳолда бўлишини таъминлаш», «носозликлар туфайли чиқаётган сувни тўхтатиш ва носозликни бартараф этиш» мажбуриятлари ҳам бечора истеъмолчилар зиммасига юклатилибди. Таъминотчи эса бирон-бир мажбурият олмабди. Ахир, амалдаги ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларга кўра бу вазифаларнинг бари «Сувоқава» зиммасига юклатилган-ку? Шартноманинг қачон, қаерда ва ким томонидан тузилганлигини ахтариб овора бўлманг. Бундай битик унда йўқ.

*Фармон ва ижро*

# БЕРСАНГ ЕЙМАН, БЕРМАСАНГ...

***...қабилида иш тутувчиларга нисбатан Хоразм вилояти ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан таъсирчан чоралар қўлланилаяпти***

Бундан ташқари, шартномада томонларнинг манзиллари масъул шахсларнинг исми-шарифи ва лавозими ҳақида ҳам ҳеч қандай маълумот йўқ. Ҳатто шартноманинг амал қилиш муддати ҳам кўрсатилмаган. Шартномавий мажбуриятлар «Сувоқава» томонидан бажарилмагани учун жавобгарлик масаласи ҳам «унутиб» қолдирилган. Фойдаланган сув учун ўз муддатида ҳақ тўламаган «истеъмолчи»ни жазолаш чораларини эса ҳар икки сўзнинг бирида ўқийсиз. Унда қайд этилишича, хизмат ҳақи муддатида тўланмаган ҳар бир кун учун «истеъмолчи»га 1 фоиз миқдорида жарима солинади. Оби-ҳаёт таъминотчилри «истеъмолчи»ни бундай жазолаш учун қайси қонун ёки ҳуқуқий ҳужжатга суянишдийкин?

Боғот туманидаги Огаҳий номли жамоа хўжалиги, Қўшкўпир туманидаги паррандачилик корхонаси, Хонқа «Кимётаъминот», Янгиариқ «Машина-трактор парки», Янгибозор ва Шовот «Деҳқон бозори» ҳиссадорлик жамиятларида ҳам ана шундай камчилик ва нуқсонлар борлиги аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан зарур йўлйўриқ ва маслаҳатлар берилди. Вилоят адлия бошқармаси тақдимномасига биноан 24 мансабдор шахс хизмат лавозимидан озод этилди. Текширувлар чоғида 484 та шартнома юзасидан жами 632,1 миллион сўмлик тўловларнинг муддати ўтказиб юборилганлиги аниқланиб, қиймати 213,6 миллион сўмга тенг бўлган 258 та талабнома расмийлаштирилди.

Ўзгаларга тегишли мол-мулк учун бошқаларнинг елибюгуриши эриш туюлади. Чиндан ҳам ўз мулкинг учун биринчи галда ўзинг бош қотирмоғинг зарур. «Пулимни ҳоким ёки суд ундириб беради» деган кайфиятда кимларгадир орқа қилиб яшамоқ боқимандаликнинг ўзгинасидир. Ходимларимиз ҳуқуқий мадад ва маслаҳат беришдан ҳеч қачон ўзларини олиб қочишмайди. Бироқ атрофимизда оғзидагини олдириб, сўнгра берсанг ейман, бермасанг ўламан, қабилида иш тутувчилар ҳам борлигидан ачинасан киши. Бозор шароитида омад омилкорларга кулиб боқиши, боқимандаликка бериладиганлардан эса юз ўгириши турган гап.

**Ғофир СОБИРОВ,**
**Хоразм вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари**

*Жиноят ва жазо*

# СОХТА ДОЛЛАР ҚАНЧАДАН?



Ҳар гал суд жараёни ниҳоясига етиб, ҳукм ўқилгандан сўнг ғалати бир руҳий ҳолатда қоласан киши. Устидан ҳукм ўқилиб, жазони ўташ жойларига жўнатилган инсоннинг ҳаёти кўз ўнгимиздан кино лавҳалари каби лип-лип ўта бошлайди. Унинг ўртаниб қолган ота-онаси, хотини, болаларининг кўз ёшлари юрагимга чидаб бўлмас оғриқ солади. Кошкийди, уларнинг жигарбандига жазо бермасликнинг иложи бўлса. Аммо қонун барча сўзсиз бўйсуниши керак бўлган муқаддас қоида эканидир.

Сирдарё вилояти Шароф Рашидов туман суди яқинда адашган, хато йўлга кириб, жиноятга қўл урган бир гуруҳ одамлар устидан ҳукм чиқарди. Шу «иш»да бош ижрочи бўлган Музаффар Одилов бу кирдикорларга қўл уришдан олдин, қилаётган ишининг жиноят эканлигини, бу ҳатти-ҳаракатнинг халқ ва давлат манфаатларига зид эканини билмасмиди?

Суриштирув, юзлаштириш натижалари унинг ўз ҳаракатлари жиноят эканини билганлигидан далолат беради. Музаффар бошқалар қўлга тушган бўлиши мумкин, лекин мен қўлга тушмайман, тезда катта бойлик эгаси бўлиб кетаман деган хом хаёлга борди.

1998 йил август ойининг бошларида у Қозоғистон Республикаси Пахтаорол туманида яшовчи Дўсибой исмли номаълум кимса билан Гулистон шаҳрида учрашиб қолди. Гап гапга уланиб, Музаффарнинг «тадбиркор» экани, Дўсибойнинг ҳам у юртдан бу юртга мол-мулк ўтказиб сотувчи «чаққон»лардан экани маълум бўлди.

Табиийки, шахсий манфаат бу каби шахсларни тезда апоқ-чапоқ қилади. Тадбиркорлик тўғрисидаги бундай чапани суҳбат тезда бойишнинг жуда осон йўлига бориб тақалади.

Дўсибой газетага ўралган «товар»ни ўртага қўяди. Мана, 29700 АҚШ доллари. Бу долларлар ҳақиқий эмас. Лекин озгина чаққонлик қилинса, уларни Ўзбекистон ҳудудида бир пасда ҳақиқий пулга айлантириб олиш мумкин. Тушган пул дангал иккига бўлинади.

М.Одилов - 1967 йилда Тошкент вилояти Янгийўл туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, ҳеч қаерда ишламайди. Ўзича «тадбиркор». «Тадбиркорлиги» тутиб қолган кезларда ўзини «Мирза» деб таништиради...

«Мирза» йигит 29700 долларни белга боғлаб, бу ишни Самарқанд шаҳрида қойиллатиш мақсадида йўлга тушади.

Нопок ниятли кимсанинг қадами бировнинг хонадонига бахт, барака келтирармикин? У тўғри танишлари эр-хотин - Ш.Шукурова, М.Мавлоновларникига «меҳмон» бўлиб боради. Тижорат иши билан келганини айтиб, Самарқанд бозорларида тентираб, соддадил тадбиркорларни чув туширишни бошлаб юборади. У тез орада 700 сохта АҚШ долларини сотади.

Албатта, бундай кўп сохта долларни ўзбек сўмига алмаштириш кўп вақт, бунинг устига ҳушёрликни талаб қилар эди. Шунинг учун у одамларни лақиллатиш пайига тушади.

Шу ерда танишган А.Абдураҳимовга автомашина олиб бер, деб 2000 сохта АҚШ долларини, уй эгаларига кундалик эҳтиёжлар учун деб 200 сохта АҚШ долларини беради. Бундай саховатдан қувонган эр-хотинларнинг севинчлари узоққа бормайди. Валюта алмаштириш шахобчасида бу пулларнинг сохталиги аён бўлади.

Музаффар иши юришмагач, 1998 йил августнинг ўрталарида Тошкентга келади. Бу ерда Т.Аббосовни ўзига шерик қилиб иш бошлайди. Терговда шахси аниқланмаган «Нурик» исмли йигитни топиб, 24000 сохта АҚШ долларини 8500 ҳақиқий АҚШ долларига алмаштиришга келишишади. Нурик дастлаб 850 долларни, қолганини кейин беришни ваъда қилади.

Шу кўйи Музаффар чувалатган тўрга навбатма-навбат осонгина пул топиш пайига тушган одамлар илинаверишади. Энди бу ишга тошкентлик М.Иргашева жалб этилади. Музаффар билан икковлашиб, «Нурик»дан қайтариб олинган 12000 сохта доллардан 10 мингини чайқов нархларида фуқароларга сотишади.

1998 йил октябр ойининг бошларида М.Одилов ўзида қолган қалбаки 2000 долларни гулистонлик Ю.Хўжамуродовга бериб, фойдани арра қилишга ваъда беради. Ю.Хўжамуродов таниши Ш.Тошбоевни «иш»га солади. Ниҳоят, бу жиноий гуруҳ 1998 йил 12 октябр куни 2 дона 100 купюрали жами сохта 200 АҚШ долларини бир фуқарога сотаётган пайтда қўлга олинади.

Шундай қилиб, Музаффар Одилов, Муяссар Иргашева, Йўлдош Хўжамуродов, Шокир Тошбоев ва Тоир Аббосовлар биргаликда фуқароларни алдаб, мулкларини қўлга киритиб, қасддан, онгли равишда жуда кўп миқдордаги сохта АҚШ долларларини сотишганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 176-моддасининг 3-қисми «А» банди ва 168-моддасининг 4-қисми «А» банди билан узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этилдилар. Мол-мулклари ҳам мусодара қилинди.

Жиноят жазосиз қолмайди. Ойни этак билан ёпиб бўлмагани каби қинғир ишни давлатдан, халқдан яширишнинг иложи йўқ.

Халқимиз олдин ҳеч қачон ўтилмаган янги йўлдан, янги келажак сари илдам бораяпти. Тўғри, бу осон кечаётгани йўқ. Қийинчилик билан биров ҳалол тадбиркорлик қилаяпти, биров ер эгаси бўлиб, мевали дарахтлари оралаб чарчоқни унутиб, тер тўкмоқда. Мустақил юртимиз жаҳоншумул обрў топмоқда. Аммо ана шундай ёркин йўл туриб, ўзини пана-пастқамга, жиноятнинг жирканч йўлларига ураётган кимсалар ҳам борлиги кишини ўйлантиради, ҳушёрликка ундайди.

**Ғофур ХОЛМАТОВ,**
**Ш.Рашидов тумани суди раиси,**
**Нурмамат АЛМУРОДОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**



**Сурхондарё вилоят Шеробод тумани ИИБ посбонларининг саъй-ҳаракатлари туфайли жиноятлар камайиб бормоқда. Ўтган 9 ой мобайнида жиноятнинг камайиши жиҳатидан Шеробод тумани вилоятда биринчилар қаторидан ўрин олди.**

**Суратда: (ўнгдан биринчи) туман ИИБнинг бошлиғи, милиция подполковниги Мингбой Бозоров нозирлардан Шуҳрат Назаров, Азиз Боқиевлар билан мулоқотда.**

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат**

*Адолат чорраҳасида*

# ГУЛ КАБИ НОЗИК...



Одам боласи онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Бирида нафсу шайтон васвасасига гирифторлик, бирида эса оиладаги носоғлом муҳит ёхуд билиббилмай нопок кимсалар таъсирига тушиб қолиш, ўйламай ташланган қадам кишини жиноят сўқмоқларига етаклаши мумкин. Дейлик, серфарзанд оиланинг раҳнамоси, меҳрибони - ота фарзандларининг барчасини тенг кўрса, борини ошириб, йўғини яшириб, вақтида меҳрини, зарур пайтда қатъиятини намоён этиб турса, оилада мувозанат бузилмаслиги тайин. Жонажон мамлакатимиз бир катта оила. Унинг ҳар бир аъзоси тақдири мамлакат тақдирига туташ. Президентимиз томонидан эълон қилинаётган Фармонлар мамлакатимиз фуқароларининг кундалик турмуши, бахту толеи, юртимиз фаровонлиги, истиқболимиз учун жуда қадрли. 1999 йил 30 апрелдаги 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан Амнистия тўғрисидаги Фармон чиққанда кўплаб юртдошларимни айниқса, йўлидан адашиб қилмишидан пушаймон бўлиб юрганларнинг кўзларига қувонч ёшларини қалқди. Бу кўз ёшлар ўз юртида қадр топган, беминнат кечирим туфайли авф этилганлар кўнглини покловчи кўз ёшларидир. Қарши шаҳар судининг судьяси Ҳомид Бобоқулов билан суҳбатимиз ана шу мавзуда бўлди.

- Биласизми, авф этиш, зарур пайтда гуноҳкорнинг унча оғир бўлмаган гуноҳларини кечириш ота-боболаримиздан қолган азалий мерос ҳисобланади. Кечиримлиликда пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом, соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратлари ҳам беқиёс эзгулик намуналарини кўрсатишган. Президентимизнинг доно сиёсати туфайли ҳар йили табаррук кунлар арафасида адашиб жиноят кўчасига кириб қолган фуқароларни авф этиш ҳақида Амнистия эълон қилинади. Бу йил ҳам Президентимиз Фармони билан қанчадан-қанча айбдорларнинг гуноҳи кечирилди. Кўпчилиги суд залидаёқ жазони ўташдан озод этилди. Бу борада аёлларга кўпроқ эътибор берилгани аҳамиятли. Улар орасида ҳали ҳаёт бўсағасида турган ёшлар ҳам бор. Шулардан бири Мақсуда Мажидова Шаҳло Жумаеванинг уйида истиқомат қилиб келса-да, шайтон йўриғига бўйсуниб, бировга тегишли жами 63995 сўмлик мол-мулкларини ўғирлаб, олиб чиқиб кетади. У ўзининг бу ҳаракати билан жиноятни содир қилади. Суд М.Мажидовага нисбатан жиноят ишини Президентнинг Амнистия тўғрисидаги Фармонининг 1-моддаси «Б» ва 8-моддасига асосан ҳаракатдан тугатишни, уни суд залидан озод этишни лозим топди. Умуман, Амнистия тўғрисидаги Фармон Қарши шаҳар судида жиноят иши кўрилиб, ҳукм чиқариладиган бир неча шахсга нисбатан қўлланилди. Булардан 11 киши суд залининг ўзидаёқ жазони ўташдан озод қилинди. Амнистия туфайли жазони ўташдан озод бўлганларнинг барчаси шу юртнинг фуқароси эканлигига ҳар лаҳза шукрона айтиб, бу инсонпарварликдан чуқур миннатдорликларини изҳор этмоқдалар.

**Ғ.РАҲМОНОВ**

